

**ОЙЧУЧУК ОЙИМ – ҚЎҚОН МАЛИКАСИ****Абдуллаев Равшанжон Иномжон ўғли**

ЎзФА Тарих институти кичик илмий ходими

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7443619>

**Аннотация.** Ушбу мақолада Шахрисабзда вояга етган, сулҳ сабаб Қўқон маликасига айланган, Кенагас ойим номи билан танилган Ойчучук ойим ҳақидаги маълумотлар маликанинг Қўқондаги ҳаёти тарихий манбалар асосида ёритиб берилган.

**Калим сўзлар:** Шахрисабз, Қўқон, малика, сулҳ, Ойчучук ойим, Ойжон ойим, Абдурахимбий, Абдукаримбий, Иброҳим оталиқ.

**ОЙЧУЧУК - ПРИНЦЕССА КОКАНА**

**Аннотация.** В данной статье на основе исторических источников освещается жизнь княгини в Коконе, а также сведения об Ойм Ойчучук, которая выросла в Шахрисабзе, стала княгиней Кокон благодаря миру, и была известна как мать Кенагаса.

**Ключевые слова:** Шахрисабз, Кокан, малика, мир, мать Ойчучук, мать Ойджон, Абдурахимбий, Абдукаримбий, отцовство Ибрагима.

**OYCHUCHUK - PRINCESS OF KOKAN**

**Abstract.** This article, based on historical sources, highlights the life of the princess in Kokon, as well as information about Oym Oychuchuk, who grew up in Shakhrisabz, became the princess of Kokon thanks to the world, and was known as the mother of Kenagas.

**Keywords:** Shakhrisabz, Kokan, malika, world, mother Oychuchuk, mother Oijon, Abdurahimbiy, Abdukarimbiy, fatherhood of Ibrahim.

Қўқон хони Шоҳрухбий вафот этгач хонлик тахтига катта ўғли Абдурахимбий ўтиради (1721-1733). У мамлакат сиёсий қудратини ошириш, ҳудудий чегарани кенгайтириш мақсадида ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборди. Қўқон кўшинлари томонидан Бухоро хонлигига қарашли бўлган ҳудудлар: Хўжанд, Ўратепа ва Самарқанд шаҳарлари эгалланди. Шундан сўнг Шахрисабзни босиб олиш учун ҳаракатлар бошланади. Бу вақтда Шахрисабз ҳокими Ҳакимбек бўлиб, у қўқонликларнинг Бухородаги ғалабаларини эшитиб, доно элчиларини Абдурахимбий ҳузурига юборади ва ўзининг Қўқонга тобе бўлганлигини билдиради. Шунингдек Ҳакимбек катта акаси Иброҳимбекнинг гўзал ва оқила қизини Қўқон ҳукмдорига турмушга бериш орқали ўртадаги муносабатларни янада мустаҳкамлайди.

Ушбу никоҳ ҳақида Қўқон хонлиги тарихига оид манбаларда бир мунча кенгрок маълумотлар келтирилиб ўтилади. Хусусан Мирзо Олим Мушрифнинг таъкидлашича: “Умаро ва фузало маслаҳат қилиб, сулҳга қарор қилдилар. Ўртада ошнолик тарихи тузалуб, Иброҳим Отоликни қизи Ойчучукойимни Раҳимхонни никоҳига ақд қилиб, аҳди паймон маҳкам қилиб, иззат ва обрў бирлан мурожаат қилиб. Самарқанд дохил бўлиб, неча кун анда турди”.

“Анжум ат-таворих” асарида ушбу никоҳ ҳақида батафсилроқ маълумотлар учрайди. Асарда келтирилишича: “Шахрисабз волийси Ҳакимбек бир ҳушёр ва уйғоқ киши эди. Самарқанд фатҳ этиши, бухороликларни хўқандликлар билан сулҳ ахдномасини имзо қилганларини эшитгани заҳоти доно арбоблари билан машварат қилиб, сўзамол элчиларини танлаб, жуда кўп тортуқ ва тансуқот билан бир муборакнома ёздириб юборди. Шу билан эл бўлгани ва итоатини маълум қилди. Шахрисабз волийсининг элчилари кўкка етадиган

саройга келиб, хоннинг яқинлари орқали унинг қўлини ўпиш бахтига муяссар бўлдилар. Ожизлик ва бўйсунуш билан элчилик расмини бажардилар. Хоннинг шоҳона раҳмдиллиги жўш уриб, уларга эҳтиром кўрсатди, кўп эҳсон ва инъом бахшида этиб, улар орқали Ҳакимбек валинаъми учун жавохир ва дурлар билан безатилган мурассаъ қилич ва камарлар бериб уларни қайтарди. Ўзининг зафарли узангиси мулозимларидан бўлмиш Абдулжаббор тўқсобани улар билан бирга Ҳакимбек валинаъмининг энг катта акаси Иброҳимбек валинаъмининг жуда гўзал ва замонанинг сараси бўлган қизига совчилик учун юборди.

Элчилар келишидан Ҳакимбек хабардор бўлиб, вилоятнинг аёни ва ашрофини истиқбол учун буюрди. Ўзоз ва икром, ҳурмат билан яхши жойлар тайинлаб, зиёфат ва меҳмондорчилик расмини бажо келтирди. Совчилик хабарини эшитиб, бундай қариндошчиликдан хотири гулдек бўлди. Кучи етгунча қимматбаҳо матолар, кўз кўрганда ялтирайдиган дуру жавохирдан жуда кўп хадялар билан, ўша даврда ҳеч ким кўрмаган ва эшитмаган дабдаба ила мўътабар яқинларини, кабира аёлларни кўшиб Ойчучукойим бинт Иброҳимбек валинаъмини Самарқандга Абдурахимхон ҳузурига юборди. Хусумат ва душманлик шундай қариндошлик билан яқун топди. Абдулжаббор тўқсоба олдинроқ Фарғона хони ҳузурига келиб, замона Билқиси келаётгани хушхабарини етказган эди.

Хон ашроф ва зодагонларини бориб уларни кутиб олиш ва нусратли ўрдуга олиб келиб, шох харамсаройига киритишлари учун буйруқ берди. Олий фармонга биноан ул замона Зулайхосини шон ва шавкат, катта иззат ва ҳурмат билан давлат саройи бўлмиш амирлик қасрига туширдилар. Ҳокимлар, маъмур ва саркорлар бир подшоҳона зебу зийнатли тўйни камолига етказиб бошладиларки, бу ўтиришда турли-туман таомлар, шарбатлар, мевалар, қушлар гўшти кўп ва сероб холда мухайё эди. Маснавий:

*[ Шундай шоҳона базм барпо қилдики,  
Жамшид арвоҳини ҳам ўзидан шод қилди.  
Нўёну шахзодалар ҳар тарафдан,  
Келиб олд сафда турдилар.  
Улуғ донишмандлар ҳар фандан,  
Келдилар бу улуғ мажлисга.  
Ҳар тарафда мусиқачи ва мутриблар,  
Мусиқа илмида билимдонлари.  
Ўз овозлари билан турли навода,  
Жонбахш этиб, қайғуни йўқ қилардилар.  
Ул тантанада ҳар хил мусиқа асбоблардан,  
Барчаси бўлиб, базм қилардилар.  
Бу базмда қатнашган ҳар бир киши,  
Давру замон гамидан қутулар эди.  
Нишот ва тараб шунча кўп бўлдики,  
Фалак фитнажуйлигини фаромуш этди].*

Шоҳона тўй маросими ниҳоясига етгач шавкатли саройда ҳозир бўлган катта ва кичик, улуғ ва оддий аҳолига хусрави замон лутфи билан заррин халатлар, тилло ва кумуш билан безатилган камарлар туҳфа этилди.

Никоҳ тўйи ҳақидаги маълумотларни Ниёз Муҳаммад Хўқандийнинг асаридаги маълумотлар бўйича давом эттирсак: “Шундан сўнг балоғатосор хатиб ва фасоҳатшиорли

никоҳ ўқувчи олим хутба ўқиб, висол ақдини шариат устига мустаҳкам қилди. Мажлис қатнашчилари султонни қуллуқ қилиб мажлисини тарк этдилар. Сарой ҳарамининг маҳрамлари шоҳни катта иззат билан малика арус ҳузурига олиб кирдилар.

Меҳмонларнинг ҳар бирига шоҳона расм ва русум билан хусравона таъзим кўрсатилди, иззат ва икром етарли даражада бўлди. Меҳмонлар неча кун турган бўлсалар шунча кун давомида уларга иззат ва ҳурмат кўрсатилди. Валиниъма хотири учун куёвлик бурчидан келиб чиқиб хон тарафидан барча меҳмонларга ҳурмат ва иззат кўрсатилди, қимматбаҳо ҳадялар ва чексиз тухфалар улашилди. Кейин уларга рухсат берилди. Эҳтиром эгалари бўлмиш надимларни барча меҳмонларни кузатиш учун тайинлаб, меҳмонларни ўзидан рози ва хушнуд этди. Ризожўй надимлар ва юмшоқ феълли давлат хизматчилари тўрт фарсангача меҳмонларни тавозе билан кузатиб қайтдилар.

Меҳмонлар қайтишидан бир кун ўтиб, Раҳимхон ҳам Самарқандни бир камсуқум ишонган ва яқин кишисига бериб ўзи қайтиш жilовини Хўқанд дорус-салтанати сари бурди. Бир неча кун ўтиб дорул-аморатга фатҳ ва нусрат билан кириб келиб давлати қароргоҳида қўним топти.

Шу тариқа Ойчучук ойим Қўқон маликасига айланади ва Қўқонда Абдурахимбий бунёд этган Қалъаи-Раимбий саройида яшай бошлади.

Орадан бироз вақт ўтиб маликанинг фарзанд кутаётганлиги маълум бўлади. Бу вақтга келиб Абдурахимбийнинг соғлиғи ёмонлашади ва 1733 йилда вафот этади. Ой-куни етиб маликанинг кўзи ёрийди. “Мунтахаб ут-таворих” асарида айтиладики: “Раҳимхон Иброҳим *оталиқни* бояги айтганимиз қизини ўз никоҳига киритган пайтда мазкур исматпаноҳнинг бўйида Раҳимхондан ҳомила қолганди. Ҳомиланинг вақти-соати етиб, Раҳимхон вафотидан сўнг гўзал юзли бир қиз йуқлик қўйнидан борлиқ майдонига келди. Унга Ойжон ойим деб исм қўйдилар”.

Абдурахимбий вафотидан сўнг Ойчучук ойим қайин оғаси, эридан кейин Қўқон тахтига чиққан Абдулқаримбийнинг никоҳига киради. Бу ҳақда Умидий ўз асарида ёзадики: “Абдулқаримхон ибн Шоҳруҳхон маснади тахтда қарор топди, тожи шоҳини бошига қўйди. Нармхўйлик ва дилжўйликни ўзига пеша қилиб муросо ва мадоро бирла ҳукумат сурди. Ой чучук ойимки, Раҳимхонни хотуни эди, никоҳига олди”.

Ойчучук ойим ушбу Абдулқаримбий билан 1750 йил унинг вафотига қадар бирга ҳаёт кечиради, аммо ундан фарзанд кўрмайди.

Қўқон тахтида 17 йил ҳукм сурган Абдуқаримбий вафотидан сўнг ҳукмрон доира вакиллари томонидан унинг ўғли Абдурахмонбий (1750) хон этиб кўтарилади. Унинг ҳукмдорлиги узоққа чўзилмай, атиги 9 ой давомида у ҳокимият тепасида турди. Мазкур Абдурахмонбий малика Ойчучук ойимнинг “ўғай ўғли” бўлиб, кейинроқ малика унга қизи Ойжон ойимни турмушга беради.

Абдурахмонбийдан сўнг Абдурахимбийнинг ўғли Эрдонабий Қўқон хонлиги тахтига (1751-1752) кўтарилади. Эрдонабий ҳам малика Ойчучук ойимга “ўғай ўғил” саналар эди. Аммо Эрдонабийнинг ҳукмронлиги узоққа бормади. Қалмиқлар мададига таянган Абдурахимбийнинг бошқа бир ўғли Бобобек Қўқон тахтини эгаллаб олади. Бобобекнинг Ойчучук ойимга қандай муносабатда бўлганлиги ҳақида манбаларда маълумотлар учрамайди.

Бобобек Қўқон тахтида 10 ойгина ҳукмронлик қилди. Ўратепа учун бошланган ҳарбий ҳаракатда унга нисбатан суиқасд уюштирилади ва бу воқеа Бешариқда амалга оширилади. Олий ҳокимиятга иккинчи бор Эрдонабий (1753-1762) ўтказилади.

Ойчучук ойимнинг Эрдонабий давридаги ҳаёти ҳақида Муҳаммадҳакимхон тўра қуйидагиларни ёзади: “Раҳимхон замонасида Бухорода Абулфайзхон подшоҳлик қиларди. Бу подшоҳ ўта кетган маишатбоз ва уйин-кулгига берилган ҳукмдор бўлиб, давлат ва мамлакат ишларига қарамасди. Шу сабабли ўзбек амирлари орасида бош-бошдоқлик вужудга келганди. Жумладан, улардан бири Фарҳод *оталиқ* саналиб, ўз улуси ичида бир неча кун ҳукумат ноғорасини чалиб юрди. Самарқандда эса ҳукумат ўриндиғига ўтирадиган муносиб бир киши йуқ эди. Амирлар ноилож саййидлар ва нажиблар паноҳи жаноби эшон Абдушаҳидхожа ибн жаноб Абдулмажидхожани ҳукумат тахтига ўтказдилар. Бир неча кун ўтгач, бу саййидлар паноҳи билан мазкур Фарҳод *оталиқ* ўртасида уруш руй берди. Зафар насими язидийлар байроғи томон эсиб, жаноб саййидни асир олдилар ва хусайинвор шаҳидлик даражасига етказдилар.

Азиз фарзандлари эшон Ортукхожа эса кочипши ихтиёр этиб, Хўжанд томонга юзланди. Ул жанобнинг келганидан Абдулкаримбий хабар топиб, кучоқ очиб кутиб олди ва бу саййидлик паноҳининг қадамини муборак санаб, яхши бир уйга туширди. Эшон жаноблари ул вилоятда турғун яшаб қолдилар. Эрдонабий валинеъмат замонасида зиёрат йўсини билан Тахти Сулаймонга бордилар. Эрдонабий ул зотнинг қайтиб келишини баракат сабабчиси билиб, бир неча кун хизматларида бўлди.

У вақтда Кенагас ойим номи билан танилган Ойчучук ойим бинт Иброҳим Оталиқнинг ҳаёт умри икки йили кам эллик ёшга етган бўлиб, ул исмат ва ҳаёлик намунасини эшон жаноблари никоҳига киритди. Бироз муддат ўтгач ул хонимнинг эшон жанобларидан бўйида қолиб, бир фарзанд дунёга келди. Ул саййидзода исмини Ҳаким тўра қўйдилар. Бу пайтда эшон жанобларининг ёши етмишдан ошган эди”. Ортукхожа эшоннинг қачон вафот этганлиги аниқ эмас.

Бу орада Қўқон хони Эрдонабий билан Ойчучук ойимнинг кўёви Абдураҳимбийнинг муносабатлари бузилиб, икки орада душманлик пайдо бўлади. Улар ўртасида бошланган кураш Абдураҳимбий ва унинг рафиқаси Ойжон ойимларнинг фожеали тарзда ўлдирилиши билан якун топади.

Ойчучук ойим қизи ва кўёвининг ўлимидан сўнг “Эрдонабийдан руҳсат олди ва икки кадрдон набираси билан туғилган ватани сари юзланади. Бир неча масофа ва манзилларни орқада қолдириб, Шаҳрисабзга етиб боради. Бу пайтда ҳукумат Рустам авлодлари қўлидан чиқиб, Бекназарбий ихтиёрига ўтган эди. Бекназарбий улар қадамини муборак билиб, бегона хонадон вакили бўлишига қарамай, ҳақни қарор топтириб, қўлига ўтган барча мулкларни асл эгаларига қайтариб берди. Кенагас ойим шу зайл ўзининг барча мулкига эга чикди. Тўла ихтиёр ва фароғатда икки нафар қамар юзли невараси билан тинч-осуда ҳаёт кечира бошлади. Бу гаплардан тўрт йил ўтгач, Кенагас ойим кўнглига ўша пайтларда иршодлик ўриндиғини ўзининг баракатли зоти билан беаб ўтирган валийлар қутби ва сўфийлар паноҳгоҳи эшони бузруквор Мусохонхожа жаноблари зиёрати ҳаваси тушиб, юрагининг иккита парчаси бўлмиш неваралари билан ул саййидлик паноҳи манзил сари юзланди. Манзилга етгач, ул жаноб даргоҳнинг тупроғини кўзига тўтиё қилиб сурди. Ва ул йўлбошловчи ҳидоятпаноҳ улар ҳақида кўп лутфу марҳаматлар кўргузди. Бир неча кундан

сўнг жаноби эшон ҳазратлари ҳаё пардаси ортида ўтирган ва замон Робияси саналган мастура қизини саййидлик паноҳи эшон Ҳаким тўранинг никоҳига киритди.

Ўша кезлари Эрдонабийнинг жияни Хонхожа ибн Юсуф Алихожа тоғаси Эрдонабийдан кўриб Даҳбедга қочиб келган ва эшон жаноблари хизматида умр кечираётган эди. Бу гаплардан анча вақт ўтгач, Кенагас ойим бир неварасидан кўнглини хотиржам қилиб, ул жанобни Даҳбедда эшон ҳазрат хизматида фарзанд сифатида қолдирди ва ўзи яна битта невараси, яъни Норбўтабий билан Ўратепа сари йўлга тушди. Манзилу мақсадга етишгач, Фозилбий валинеъмат улар қадамани муборак билиб, жуда эъзоз-икром кўрсатди ва Қизли қалъасини ён-атроф туманлари билан бирга уларга инъом қилди. Ва бийи мазкурнинг азиз фарзанди Худоёрбий билан Норбутабий қиёматлик дўст тутиндилар. Норбутабий икки йил мазкур ерда истиқомат қилди. Шу орада Эрдонабий мактублар юбориб, шу хатлар ва қасамлар орқали Норбутабийнинг дилини ваъдаларга тўлдириб, Хўқандга чақириб олди.

Эрдонабий уни ўзининг кўп сийловларига сазовор этиб, ҳозир Муйи муборак деб аталувчи Қоратепа мавзесида ҳоким қилиб қўйди”.

Шу тариқа малика Ойчучук ойим яна Қўқонга қайтиб келди. Эрдонабий вафотидан сўнг набираси Норбутабий отаси бор-йўғи 9 ойгина хонлик қилган Қўқон тахтини эгаллаб, Қўқон хонлари ичида энг узоқ муддат давлатни бошқарган ҳукмдорга айланди. Ойчучук ойимнинг қачон вафот этгани ҳозирча маълум эмас.

## REFERENCES

1. Муҳаммадҳакимхон тўра. Мунтахаб ут-таворих / Форс-тожик тилидан таржимон, кириш, изоҳлар муаллифи Ш.Воҳидов. – Тошкент: 2010.
2. Маҳмуд Ҳаким Яйфоний. Хуллас ут-таворих. ЎзР ФА ШИ литографик нашр № 304. Б. 7.
3. Умидий. Тарихчайи Туроний. Кўлёзма 17 б бет.
4. Ниёз Муҳаммад Хўқандий. Ибратул ҳавоқин (Тарихи Шаҳрухий) / Тожик тилидан таржимон, ўзбек тилидан табдил, кириш ва изоҳлар муаллифи тарих фанлари доктори, профессор Ш.Воҳидов. Тошкент. 2014.
5. Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих (Тарих юлдузлари). Тошкент. 2014.
6. Мирзо Олим Мушриф. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-ҳавоқин / нашрга тайёрловчилар А.Матғозиев., М.Усмонова. Тошкент. 1995.
7. Ш.Ю.Маҳмудов. Қўқон хонлигининг маъмурий-бошқарув тизими (1709-1876 йй.) Тарих фанлар номзоди. ...дисс. Тошкент. 2007.